

---

## МАШЪАЛ МАКТАБ МЕҲМОНЛАРИ

Ўзбекистон Ветеран жангчи-фахрий ва ногиронлар уюшмасининг бир гуруҳ вакиллари 12-умумтаълим мактабига ташриф буюришди. Андижон, Наманган, Фарғона вилояти ҳамда қўшни Қирғизистон Республикасидан меҳмонлар машъал мактаб ҳаёти билан танишдилар. Тадбир аввалида мактаб директори Облоёр Ўрмонов мактабнинг бугунги кунда эришаётган ютуқлари билан ўртоқлашди.

Ўзбекистон Ветеран жангчи-фахрий ва ногиронлари Фарғона вилояти бўлим бошлиғи ўринбосари Бахтиёр Мирзаолимов ҳамда Ўш шаҳридан ташриф буюрган Анарбай Тўхташов мактабдаги барча ўқитувчиларни ва ўқувчиларни эришаётган ютуқлари билан табрикладилар. Ҳамда соҳада ҳамкасбларига ўрнатиб келаётган ўқитувчиларга, аълочи ўқувчиларга эсдалик совғаларини топширдилар.

Фахрийлар томонидан бугунги тинч замонда яшаётган ҳар бир ёш доимо шукроналик ҳиси билан яшаши, Ватанни севиши, эл-юрт учун фойдаси тегадиган инсон бўлиб етишиши ҳақида гапириб ўтдилар. Мактабнинг жажжи санъаткорлари томонидан ижро этилган рақслар барчага аъло кайфият улашди.

Ўзбекистон Ветеран жангчи-фахрий ва ногиронлари Ёзёвон туман бўлинмаси раиси Абдусалом Абдуллаев ташриф буюрган меҳмонларга катта миннатдорчилик билдирди.

Маҳмуджон Олимов

ЁЗЁВОН ТУМАНИ ҲОКИМЛИГИ АХБОРОТ ХИЗМАТИ

2022-09-14 11:14:59